

НАВРЎЗИНГ – ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАК,  
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

VATAN@EVO.UZ

VATAN – MUQADDAS, UNI HIMOYA QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

# VATANPARVAR

Сайтимизга ўтиш  
учун QR-кодни  
телефон орқали  
сканер қилинг.



2020 йил 20 март, №12 (2867)



## ЎЗБЕК – ТОЖИК ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ



9-бетда



АҚШДА  
ШУНДАЙ ОЛИМАМИЗ БОР ЭКАН...

10-бетда



УЧ ТАНКЧИ  
ЁХУД ЁШЛИК БИЛАН УЧРАШУВ

### ЎЗБЕКИСТОН



HAFTA ICHIDA

Ўзбекистон фуқаросида коронавирус инфекцияси аниқланганидан сўнг бутун дунёда бўлгани каби республикамизда ҳам кўплаб оммавий тадбирлар бекор қилинди. Хусусан, юртимизда Наврўз умумхалқ сайилари ўтказилмайди. Шунингдек, оммавий маросимлар, жумладан, улоқ-кўпкари, кураш ва одамлар кўп тўғланадиган бошқа тадбирлар вақтинча бекор қилинди.

Президентимиз «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Эндиликда ҳуқуқбузарга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади.

Президентимизнинг тегишли қарори лойиҳасига кўра, амалиётдаги муайян муаммоларнинг ечимини таклиф этган олимларни мукофотлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилади. Мукофот билан тақдирлаш бўйича харажатлар бир марталик тўлов шаклида 100 минг АҚШ доллари миқдорига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

3 СЎНГСИЗ  
ЧЎЛЛАРГА  
СИГМАГАН ҒАМ

6 УРГАНЧДА ТОНГ  
ЭРТА ОТДИ

7 РЕЙХСТАГНИ  
РАЗВЕДКА ҚИЛГАН  
ЎЗБЕК УЧУВЧИСИ

15 БАҲОРНИ  
ЯРАТГАН ГУЛ

Мудофаа вазирлиги тизимига оид сўнги янгиликлар билан қуйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mudofaa\_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy

Шарнома бўйича ҳарбий журналист, оддий аскар Исмоилжон Қўчқоров суратга олган





«ХАМДЎСТЛИК – 2020»

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси мудофаа вазирликларининг Махсус операция кучлари ўртасида ўзбек – тожик ҳамкорлигидаги антитеррор махсус-тактик ўқув машғулоти юқори савияда ўтказилиб, кўзланган мақсадга тўла эришилди.



# ЎЗБЕК – ТОЖИК ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛДИ



Ҳамкорликдаги ўқув жараёнини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Баҳодир Курбанов ва Тожикистон Республикаси мудофаа вазири Шерали Мирзо ҳамда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар кузатиб борди.

Шундай қилиб, Тожикистон Республикасининг Хатлон вилоятида жойлашган «Фахробод» дала-ўқув майдонида бўлиб ўтган ҳамкорликдаги антитеррор ўқув машғулоти режасига кўра, чегара-

ни бузиб ўтган ноқонуний қуролланган тузилмалар ҳужумини қайтариш мақсадида аввал вакилларимиз томонидан ҳаво разведкаси ўтказилди, шундан сўнг аниқланган шартли душманнинг ҳаракатланаётган нуқтасига қарата авиация зарбалари берилди. Чегарага уюштирилган шартли ҳужумни қайтаришда Тожикистон Республикасининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ҳамда Давлат миллий хавфсизлик комитети Чегара қўшинлари иштирок этди.

Шартли душман томонидан эгаллаб олинган бинони қуршаб олиш, чегарани бузиб ўтган газандаларни яқсон этиш ва асирларни қутқариш амалиёти кейинги эпизодларда кўриб чиқилди. Бунда юқори кўмондонлик томонидан берилган маълумотга кўра, ноқонуний қуролланган террорчилар бино ичида асирларни гаровга олиб, ўз шартлари ижросини талаб этмоқда. Вакилларимиздан иборат тактик ҳаво десантчилари гуруҳи Ми-8 вертолётдан аркон ёрдамида тушиб, бинонинг юқори қисмидан кейинги 3 та ишғол қилиш гуруҳларини ўт очган ҳолда қўллаб-қувватлаб турди. Ишғол қилиш гуруҳлари бино ичидаги ноқонуний қуролланган террорчиларни йўқ қилиб, асирларни озод этди. Йигитларимизнинг аниқ ва ишончли ҳаракати жанговар топ-



шириқнинг белгиланган вақтдан илгарироқ бажарилишига замин яратди.

Мудофаа қудратини менсимаган шартли душман кўрган талафоти сабаб ортга чекина бошлади. Тактик режага кўра, бунда Ватан ҳимоячилари томонидан ноқонуний қуролланган тузилмаларни таъқиб қилиш амалиёти ўтказилади. Зеро, душманнинг тирик қолган кучлари ўзининг ғаразли нияти билан келган жойига қайтиб кетолмасин ва кун келиб бу ишини қайта такрорламасин! Мазкур эпизод ҳам ҳамкорликдаги гуруҳлар томонидан ўта муваффақиятли тарзда бажарилди.

Ўқув машғулоти давомида шунингдек, шартли аэропортда ноқонуний қуролланган тузилмани қуршаб олиш ва йўқ

қилиш, самолётдаги асирларни озод этиш вазифалари ҳам бажарилди.

Ўқув якуни муносабати билан саф тортган икки давлат ҳарбий хизматчилари Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси мудофаа вазирлари томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Ҳар икки давлат мудофаа вазирлари мазкур ўқув машғулоти мамлакатларимиз армияларининг жанговар қудратини оширишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ташриф давомида дала-ўқув майдонида ҳарбий хизматчиларимиз учун яратилган

шароитлар билан танишди. Тожикистон мудофаа вазири Шерали Мирзо ҳамроҳлигида қадимий адрасларимиз ҳамда ҳунарманд ва куллар томонидан тайёрланган кўза ва лаганлар, қўл меҳнатида ишланган турли кўринишдаги сопол идишлар билан миллий урф-одатларимизга ҳамоҳанг тарзда яратилган «Ўзбек миллий бурчаги»ни кўздан кечирди.



### «ҲАМДЎСТЛИК» – Ўзбек – тожик қўшма ўқув машғулоти

**2018 йил** – икки давлат ўртасида ҳарбий ҳамкорлик ўрнатилган;

**2018 йил сентябрь** – Тожикистоннинг «Чорух-Дайрон» ўқув маркази ва «Нурафшон» полиго­нида илк қўшма машғулоти;

**2019 йил апрель** – Тожикистоннинг «Фахробиод» полиго­нида;

**2019 йил сентябрь** – Наманган вилояти «Ғурумсарой» дала-ўқув майдонида шартли террорчиларни йўқ қилиш бўйича малака оширилган.

Исломжон ҚҶҶҚОРОВ,  
«Vatanparvar»  
Хатлон – Тошкент

## ХАБАРЛАР

ЮЗ Ёшли ОТАХОНГА  
ЯНГИ ПАСПОРТ БЕРИЛДИ

Кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган инсонлар билан суҳбатлашнинг ҳам гашти бор. Шундай лаҳзаларда қалбингизда ажиб ҳислар жўш уриб, ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқингиз ошади, беихтиёр бугунги мусаффо осмонимизга, дориламон кунларга шўқрона келтирасиз. Уруш ва меҳнат фахрийси Александр Нестеров билан бўлган самимий мулоқот ҳам ана шундай таассуротларга бой бўлди.

Александр Нестеров яқинда юз ёшни қарши олади. Шу муносабат билан отахонни йўқлаб уларнинг хонадонига Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси фахрийлар кенгаши, Чилонзор тумани ҳокимлиги вакиллари ҳамда бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ташриф буюрди. Суҳбат давомида уруш даври хотиралари ёдга олинди. Тинчлик ва осойишталикнинг қадр-қиммати ҳақида сўз борди.

Шу куни табаррук ёшли отахон тиббий кўриқдан ўтказилди, эсдалик совғалар билан тақдирланди. Мезбонни қувонтирган яна бир қувончли воқеа – унга Ўзбекистон Республикасининг янги фуқаролик паспорти берилди.

Г. МУРОДОВА

УРУШ ФАХРИЙЛАРИ ТИББИЙ  
КўРИҚДАН ЎТКАЗИЛДИ

Мудофаа вазирлиги тиббий таъминот ва Тошкент шаҳар тиббиёт бошқармалари ташаббуси билан Марказий ҳарбий клиник госпиталь, Мирзо Улуғбек тумани 8-оилавий поликлиникаси шифокорлари ва ҳарбий прокуратура ходимлари ҳамкорлиқда Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳолидан хабар олдилар.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, концентрацион лагерлар ва Ленинград қамалида бўлган инсонлар, меҳнат фронти фахрийлари соғлиғини доимий равишда назорат қилиш дастури доирасида Мирзо Улуғбек туманининг Шўртпе ва Шукур Бурҳонов маҳалласида яшовчи икки нафар отахон тиббий кўриқдан ўтказилди. Марказий ҳарбий клиник госпиталь ҳамда Мирзо Улуғбек тумани 8-оилавий поликлиникасининг кардиолог, офтальмолог, терапевт, оториноларинголог каби тажрибали шифокорлари замонавий тиббий ускуналар ёрдамида Равиль Битеев ва Джафар Мирзаевнинг соғлиғини назорат қилдилар. Ўтказилган текширув натижаларига асосланган ҳолда фахрийларга тегишли тиббий тавсиялар берилди.

3-Белоруссия фронтида жанг қилган СУ-76 (самоходная установка, ўзиюрар артиллерия мосламаси) ва танк механик-ҳайдовчиси Равиль Битеев ҳам, Волхов фронтида НКВДнинг 115-темир йўл полки ва 102-чегара бўлинмасида хизмат бурчини ўтаган ўқчи Джафар Мирзаев Иккинчи жаҳон урушининг 1-гуруҳ ногирони сифатида 8-оилавий поликлиникаси рўйхатида олинган. Поликлиника шифокорлари томонидан бу икки отахоннинг соғлиғи борасида доимий назорат ўрнатилган бўлиб, тиббиёт ҳамширалари ва маъсул шахслар уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туришади.

Фазлиддин ЧОРИЕВ

## МАЛАКА

## УРГАНЧДА ТОНГ ЭРТА ОТДИ

Жанговар бўлинмаларнинг ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш мақсадида ўтказилаётган мураккаб машғулотлар ҳарбий хизматчиларнинг ҳар хил усулларда шахсий таркибни ўқув-жанговар вазифаларни сифатли амалга ошириш, соҳа бўйича янги усул, услубларни ўзлаштириш ва тажриба алмашишида, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.



бажарилди. Хусусан, шахсий таркиб огоҳ этилиб, бўлинмалар жамланиш майдонида қисқа вақт ичида саф тортди. Техникалар ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга тайёр ҳолатга келтирилди.

Экипажлар шай ҳолатга келтирилган жанговар техникалардан жой эгаллаб, сафарга чиқиш учун барча талабларни бажаришди. Бир неча дақиқаларда жанговар ва ҳарбий техникалар ҳарбий қисм ҳудудини тарқ этиб, Урганч гарнизони дала-ўқув майдони томон йўл олди. Узоқ масофага марш ҳолатида юрган ҳарбий техникалардан иборат колонна Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармасининг пост-патруль хизмати ҳамда Нукус гарнизони ҳарбий автомобиль назорати инспекцияси ходимлари томонидан бошқарилиб, олис манзил томон элтувчи йўлларда огоҳлик ва ҳушёрлик таъминланди.

Ўқув машғулотини максимал даражада реал вазиятга яқинлаштириш мақсадида йўналиш маршрутида кўкқисдан шартли равишда оммавий қирғин қуроллари ҳамда портловчи моддалар қўлланилди. Шартга кўра, бўлинмалар колонна бўлиб марш ҳаракатини ўтказиб, дала-ўқув майдонига етиб келишди ҳамда қўшинлар жойлашуви ва кўриқловни ташкил этди.

Эртаси куни тонгдан батальон шахсий таркиби жанговар техникалар билан тактик машғулотнинг амалий ўқ отиш қисми ўткази-



Урганч гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида жиддий синов машғулотлари ўтказилиб, унда бўлинмаларнинг ўқув йили давомида эгаллаган назарий билим ва амалий кўникмалари текширувдан ўтказилди. Шунингдек, дала-ўқув майдонида батальон шахсий таркиби томонидан жанговар техника ва ўқотар қуроллар ёрдамида амалий жанговар тактик ўқуви бўлиб ўтди.

Эрта тонгда ҳарбий округ бошқарув аппаратидан келган хабарга кўра, ҳарбий қисмда «Тревога!» сигнали эълон қилиниб, бўлинмаларни юқори жанговар шайлик ҳолатига келтириш бўйича белгиланган барча элементлар



лаётган ҳудуд томон йўл олиб, позицияларни эгаллади.

Майдонда қад кўтарган турли ҳажм ва шаклдаги нишонлар ўқотар қуроллар ва жанговар техникалар ёрдамида берилган зарбалардан тез фурсатда бирин-кетин яқсон этилди.

**Майор Тимур НАРЗИЕВ,**  
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ  
матбуот хизмати бошлиғи



## АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ – ЁШЛАРГА ЎРНАК

«Ўтганларни хотирлаш, айна пайтда кексалик гаштини суръётган инсонларни қадрлаш азалдан маънавий ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келган. Бу йил дунёнинг кўплаб давлатларида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланади ва бу борада Ўзбекистонда ҳам кўплаб эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

## ЭЪЗОЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев парламентга қилган Мурожаатномасида уруш йилларида халқимизнинг жанггоҳларда ва фронт ортида кўрсатган жасоратига алоҳида тўхталиб ўтди. Иккинчи жаҳон уруши ва Ғалабага ўз хиссасини қўшган ҳар бир фахрийга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилишини таъкидлади.

Шу муносабат билан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги ҳамда Юнусобод тумани мудофаа ишлари бўлими ҳарбийлари Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони 98 ёшли Мухтор Расулов хонадонига ташриф буюриб, отахонга эсдалик совғаларни топширдилар.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Бобуржон Худойқулов томонидан



ийжро этилган кўшиқ Мухтор ота Расуловга байрамона кайфият улашди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги таъбиёт ходимлари эса уруш фахрийсининг соғлиғини назорат қилиб, керакли тавсияларни берди.

Ўз навбатида Мухтор ота Расулов меҳмонларга ўзининг Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ хотираларини сўзлаб берди...

## 14 ЁШДА БОШЛАНГАН САЁҲАТ

...1922 йилнинг 25 декабрида Фарғона шаҳрининг Чекшура маҳалласида туғилганман. Оиламиздаги қийин шароит туфайли болалигимнинг 8 йилини Меҳрибонлик уйида ўтказиб, машҳур адиб Асқад Мухтор билан биргаликда катта бўлганман. Меҳрибонлик уйида 7-синфни аъло баҳоларга тугаллаб, Боку – Тбилиси – Москва – Тошкент бўйлаб саёхатга бордим.

Техникумда ўқиш билан бирга Паркентдаги Чанғихисорак қишлоғи мактабиде ўқитувчилик қилдим. 18 ёшга тўлмасимдан армияга сафар-

РЕЙХСТАГНИ РАЗВЕДКА ҚИЛГАН  
ЎЗБЕК УЧУВЧИСИ

бажаришда душманнинг учта мессершмиттини уриб туширганман.

«ПАРАШЮТЛИ ГРАНАТА»  
ҒОЯСИ


Жангларида бизнинг самолётларимиз ҳам шикастланиб турарди. Биз янги самолётларни Қозон шаҳридан олиб келардик. Бир сафар Қозонга қозғистонлик Рибакон деган ўртоғим билан бордим. У ерда конструкторларга самолётга парашютли граната ўрнатишни маслаҳат бердим. Улар «Сизга бу пехотами?» деб қулиб юборишди. Мен бу билан орқадан таъкиб қилаётган душманни чўчитиш, ҳатто ҳавода маълум муддат муаллақ турадиган парашютли граната ёрдамида яқсон қилиш мумкинлигини айтдим. «Ажойиб ғоя! Бу ҳақиқатга жуда яқин ва қулай восита бўлади», деган ҳолда кейинчалик самолётларга парашютли гранаталар улоқтирадиган мослама ўрнатишди. Адашмасам, Праганинг Ративор шаҳарчаси осмонида бўлган жангда шу мослама ёрдамида битта душман самолётини яқсон қилгандим. Қутилмаганда фашистларнинг саккизта қирувчи самолёти ҳужумга ташланди. Гуруҳимиз иккита қирувчи ва бизнинг разведкачи бомбардимончи самолётдан иборат эди. Шунда ортимиздан эргашган душман қирувчисига тўртта граната улоқтирдим. Таъкиб қилаётганлардан бири портлаб кетди. Иккинчиси эса жуфтакни ростлади. Душман ҳужумини муваффақиятли бартараф этганим учун «Жасорати учун» медали билан тақдирландим.

«РАСУЛОВГА  
ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!»

Львов, Краков, Вроцлав йўналишида экипажимиз билан 35 марта жанговар парвозни амалга оширдик. Шулардан 17 таси разведка парвозлари эди. Бомбардировка парвозларида душманнинг 12 та эшелони, 80 та автомашинаси ва кўплаб пиёда аскарларини яқсон қилдик. Бу хизматларим учун II даражали «Шон-шухрат» ордени билан мукофотландим. Орадан кўп ўтмай III даражали «Шон-шухрат» ордени билан ҳам тақдирландим.

Шунингдек, Прага, Берлин шаҳарларини фашизмдан озод қилишда қатнашдим. Маршал Конев топшириғига биноан Берлинга ҳужум ташкиллаштирилишидан олдин шерикларим Н. Турченко ва С. Ерофеевдан иборат экипаж шаҳарга биринчи бўлиб учиб кирдик. Потсдам шаҳри, Рейхстаг майдони узра олинган разведка фотосурати учун Конев бизга шахсан ўзи ташаккурнома билдирган. Эртасига дивизия штаби пештоқида «Берлинга биринчи бўлиб учган қаҳрамонлар – Расулов, Турченко ва Ерофеевга шон-шарафлар бўлсин!» деган плакат ўрнатишган.

1945 йил 8 май куни осмонидаги Прага яқинидаги Роутица районида Эльба дарёси кўприкларини ва кечув ҳудудларини разведка қилиб қайтиш пайтида бизни иккита мессершмитт (Me-109) таъкиб қила бошлади. Бизни икки нафар Як-9 ҳимоя қилиб борарди. Ортимиздан эргашган душман самолётини пулемётдан ўқ узиб, уриб туширдим. Ўшанда дивизиямиздаги дўстларим



«Бу сенинг урушдаги ғалабамиз учун совғанг бўлди», деб мактаб қўйишган.

Отанинг акалари Каримжон, Собиржон ва Мўминжон амакиларим ва тоғам ҳам урушда қатнашган. Уларнинг энг каттаси – Каримжон амаким омон қайтмади. Тоғам билан хат ёзишиб турардим. Бир сафар командирларимдан рухсат олиб, тоғамнинг олдида бориб келдим. Иккаламиз фронтда дийдорлашиб, ош дамладик. Ундан аввал Ўзбекистонга қайтганим учун уйидагиларга тоғамдан совға-саломлар келтирганман.

УРУШДАН КЕЙИНГИ  
ҲАЁТ

Урушдан сўнг Халқ хўжалиги институтига ўқишга кирдим. 1945 йил ноябрь ойида отамнинг танишларидан бирининг қизи Санобархонга уйландим. Санобархон билан урушдан олдин педтехникумда танишиб қолгандик. Турмуш ўртоғим билан тўрт ўғилни вояга етказиб, ҳаммасини олий маълумотли қилиб тарбияладик.

P/S. Старшина Мухтор Расулов жангларида кўрсатган қаҳрамонликлари учун II ва III даражали «Шон-шухрат», II даражали «Ватан уруши» (2 марта) орденлари ва кўплаб медаллар билан тақдирланган. Рейхстаг биносига уюштирилган разведка парвози учун I даражали «Шон-шухрат» орденига тавсия қилинган. Аммо айрим сабабларга кўра Мухтор Расуловга ушбу орден берилмаган.

Мухтор бобо Расулов урушдан кейин турли раҳбар лавозимларида элимизга хизмат қилди. Иқтисод фанлари доктори, профессор Мухтор Расулов нафақада бўлишига қарамай, яқин-ақин кунларга қадар ёшларга сабоқ бериб келди.

Асрор РЎЗИБОВ










## ИСЛОХОТ

# ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР, ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР



Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультетининг ташкил этилганига 8 йил бўляпти. Факультет Қуролли Кучлар учун ҳарбий-тиббий кадрларни тайёрлаб берувчи ягона ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, қўшинлар тиббий таъминотини такомиллаштиришга, ҳарбий тиббиёт фани ривожланишига ҳамда мамлакат мудофаа салоҳиятини оширишга салмоқли улуш қўшиб келмоқда.

эса, ҳозиргача жами 1 727 нафар мутахассис ўз малакасини оширди.

Ўз навбатида факультет профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасида ҳам салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Улар режа асосида Тошкент тиббиёт академияси, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказларида ўз малакаларини оширмоқда.

Ҳарбий тиббиёт соҳасида илмий изланишлар олиб бориш факультет олдида қўйилган асосий

тиббий хизмат подполковниги Жамшид Қўтлиев «Турли иқлим шароитларида ҳарбий хизматчиларнинг руҳий, физиологик ва мослашув имкониятлари, унга таъсир этувчи омиллар» мавзусида, тиббий хизмат подполковниги Адил Қудаяров «18 – 27 ёшли ҳарбий хизматчиларнинг саломатлик ҳолатига ижтимоий-гигиеник омилларнинг ноҳуш таъсирини баҳолаш ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш» мавзусида, кафедра катта ўқитувчилари подполковник Ҳасанбой Қасимов «Ҳарбий педагогика фани тараққиётида Шарқ мутафаккирлари ғояларининг ўрни ва роли», подполковник Ўткир Акбаров «Олий таълим муассасалари талабаларида (курсантларида) фуқаролик маданиятини шакллантириш технологияси» мавзуларида, подполковник Темур Холикбердиев «Техника олий таълим муассасалари талабаларининг ҳарбий-техника компетенцияларини ривожлантириш технологиялари» мавзусида, тиббий хизмат подполковниги Ақром Нурмуратов «IV-V ёш гуруҳидаги ҳарбий хизматчиларнинг соғлиғига таъсир этувчи ҳарбий хизматнинг омиллари» мавзусида мустақил изланувчи сифатида илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Шунингдек, 2018 – 2020 ўқув йиллари давомида 8 та рационализаторлик таклифларига гувоҳномалар олинди. Хорижлик тиббиёт мутахассислари иштирокида 20 дан ортиқ илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Ўқув фанлари бўйича 115 дан зиёд ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди. 100 дан ортиқ илмий мақола ҳорижнинг нуфузли нашрларида, хусусан АҚШ, Австрия, Франция, Германия, Россия, Украина, Беларусь ҳамда республикамизнинг бир қатор журналларида чоп этилди.

Ўтган ўқув йилида эса Америка Қўшма Штатлари Миссияси штатининг Миллий гвардияси тиббиёт мутахассислари ва Покистон Исломи Республикаси армиясининг дипломдан кейинги таълим ҳарбий-тиббий институтининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда маҳорат дарслари амалга оширилди.

Илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мақсадида факультет битирувчиларидан 3 нафари



Ҳозирги кунда факультетда қўшинларнинг тиббий таъминланишини ташкил қилиш, ҳарбий-дала жарроҳлиги, ҳарбий-дала терапияси, умумҳарбий тайёргарлик ҳамда ҳарбий гигиена ва эпидемиология, токсикология, радиология ва тиббий муҳофаза курси кафедралари фаолият юритаяпти.

Факультет профессор-ўқитувчилари ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун ҳарбий шифокорлар, резерв ва захирадаги тиббий хизмат офицерларини тайёрлаш ҳамда Қуролли Кучлар тиббий ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда самарали ишларни амалга оширди. Шунингдек, ҳарбий-тиббий соҳада илмий изланишлар олиб боришмоқда.

8 йил бир қараганда қисқа фурсат, бироқ Ҳарбий тиббиёт факультети жамоаси бошчилигида шу кунга қадар ҳарбий шифокор мутахассислиги бўйича 213 нафар бакалавр тайёрланди. Ҳозирда улар Қуролли Кучлар тизимининг барча бўғинларида фаол хизмат қилиб келяпти.

Захира ва резервдаги офицерларни тайёрлаш курсида Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат стоматология институти, Тошкент фармацевтика институти талабалари сафидан қуруқликдаги қўшинларни даволаш иши, стоматология, умумий эпидемиология, умумий гигиена ва фармацевтика йўналишлари бўйича 1 283 нафар захира ва резервдаги тиббиёт хизмати офицери тайёрланди.

Ҳар йили ушбу йўналишлар бўйича 90 нафар захирадаги тиббий хизмат офицери тайёрланади.

Қуролли Кучлар тиббиёт мутахассисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсида

вазифалардан бири ҳисобланади. Бу ўқитиш сифатини ошириш, янги инновацион ғояларга йўл очиш, ўз навбатида ҳарбий тиббиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада факультетда қўйидаги йўналишларда:

Қўшинлар тиббий таъминотини ташкил этиш кафедрасида қўшинлар бўғинида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларнинг илмий асосланган намуналарини ишлаб чиқиш;

Ҳарбий-дала жарроҳлиги кафедрасида госпиталга қадар жарроҳлик ёрдами ташкил этиш;

Ҳарбий-дала терапияси кафедрасида ҳарбий хизматчиларнинг ёш кўрсаткичларининг ҳарбий хизматга таъсир этиши ҳамда ҳарбий таълимдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари каби мавзуларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Биз Ҳарбий тиббиёт факультетида бўлганимизда мана шу масала билан қизиқдик.

Факультет профессор-ўқитувчиларининг 12 фозиини илмий даража ва унвонга эга бўлган педагогик-кадрлар ташкил этади. Айни дамда ҳам профессор-ўқитувчиларимиз бир қатор йўналишларда илмий изланишлар олиб боришяпти, дейди Ҳарбий тиббиёт факультети дала-жарроҳлик кафедраси бошлиғи тиббий хизмат полковниги Носир Фозилов. – Хусусан, 9 нафар педагог ходим мустақил изланувчи сифатида Республика санитария-гигиена илмий текшириш институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислар институти базаларида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Масалан,

ривожланган чет давлатларга юборилди ва айни дамда ўша ерда таҳсил олишмоқда.

Истикболдаги режаларимизга – тўхталадиган бўлсак, 2020/2021 ўқув йилидан факультетда «Ҳарбий-тиббий тайёргарлик» мутахассислиги бўйича магистрларни тайёрлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу йўналишда ишлар олиб борилмоқда.

Биз Ҳарбий тиббиёт факультетида бўлганимизда ҳарбий либосдаги бўлажак шифокор курсантлар назарий сабоқдан сўнгра оппоқ либосда амалиёт хонасига ўтишди. Бу ерда компьютерлаштирилган ўндан зиёд фантом ва манекенлар бўлиб, улар турли касалликлар – юрак, ўпка, қорин ичи органлари хасталиклари каби инсон организмидagi бир қатор касалликларнинг реал ҳолатига яқинлаштирилган. Ушбу машғулот хонасида нафақат факультетда билим олаётган курсантлар, балки малака ошириш ва қайта тайёрлаш, резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш курслари тингловчиларининг назарий билимлари ҳам мустаҳкамлашиб борилади, амалий кўникмалари ошади.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Ҳарбий тиббиёт факультети фаолияти ҳақида узоқ сўз юритиш мумкин. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, факультет жамоасини истиқболда улкан режалар ва ютуқлар қарши олмақда. Бу шарафли ва заҳматли йўлда уларга омад тилаймиз.

Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»



## ЎҚУВ ЙИГИНИ


“ 2017 йил ноябрда давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ва ҳарбий соҳада ишлаб чиқаришни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев фармони билан Мудофаа саноати давлат қўмитаси ташкил этилганди.

Ушбу қўмита зиммасига давлат мудофаа буюртмаларини шакллантириш ҳамда мудофаа аҳамиятига эга бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш масъулияти юклатилган. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ҳаракатдаги устaxonалар ҳам ҳарбий ва махсус техникаларни таъмирлаш, модернизация қилиш борасида фаолият олиб бормоқда. Яқинда барча ҳарбий округлардаги ана шундай устaxonалар замонавий станоклар ва таъмирлаш хизматини кўрсатишга мўлжалланган техникалар билан таъминланди.

Шу муносабат билан Марказий ҳарбий округда жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида замонавий станоклар ва таъмирлаш хизматини кўрсатишга мўлжалланган техникалардан фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича ўқув йигини машғулоти бўлиб ўтди. Ҳарбий қисмнинг ҳаракатдаги таъмирлаш устaxonасида ташкилланган ушбу йиғинда барча округлардан келган ва шу соҳада хизмат бурчини ўтаётган ҳарбий хизматчилар иштирок этди. Йиғин қатнашчилари машғулотлар давомида олиб борилган ҳар бир иш жараёнини диққат билан ўрганишди. Уларга мутахассислар томонидан станокларда амалга оширилаётган ишлар бўйича керакли техник дастурлар йўналишида ва хавфсизлик қоидаларига амал қилиш борасида керакли маълумотлар берилди.

Таъмирлаш хизмати мутахассислари қисқа вақт давомида бу техникалардан фойдаланишни ўзлаштириб, бугунги кунда бошқа округлардан келиб йиғинда қатнашаётган ҳамкасбларига ўз кўникма ва тажрибаларини ўргатишди. Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қурол-аслаха таъмирлаш секцияси устаси сержант Илҳом Қодиров ўз му-

# КИЧИК УСТАХОНАНИНГ КАТТА МАСЪУЛИЯТИ



тахассислигидан ташқари бошқа станоклардаги иш жараёнларини диққат билан кузатиб борди. У каби ҳарбий хизматчиларнинг имкониятдан унумли фойдаланиб, бошқа йўналишларда ҳам тажрибасини орттириб бориши қисмларда мавжуд техникаларнинг жанговар шайлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Марказий ҳарбий округ тасарруфидаги ҳарбий қисм устaxonаси бошлиғи подполковник Ғулом Сайидовнинг таъкидлашича, таркиби 26 нафар ҳарбий мутахассис ҳамда саккиз нафар Қуролли кучлар хизматчисидан

иборат ҳаракатдаги таъмирлаш устaxonасида автомобилларга тент қопламалар тайёрлаш, турли ўқотар қуроллар учун тасмалар тикиш, автомобиллар ва ҳарбий техникалар блок, цилиндр, тирсақли валларни йўниш, энгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, авто ҳамда зирҳли техникаларнинг двигателларини капитал таъмирлаш каби ўндан ортик цехлар фаолият олиб бормоқда. Устaxonанинг замонавий станоклар ва таъмирлаш хизматини кўрсатишга мўлжалланган техникалар билан таъминланиши бу борадаги хизмат турларини

такомиллаштириш ва жадаллаштириш имкониятини берди.

Шунингдек, устaxonада ҳарбий буюртмалардан ташқари аҳолига, бошқа корхона ва ташкилотларга ҳам хизмат кўрсатиш мумкин. Устaxonа гаражида Иккинчи жаҳон исботида фойдаланилган тўртта ретро-автомобиль янги кўринишга келтирилиб, капитал таъмирланганлиги фикримизнинг исботидир. Ўз ишининг устасига айланган ҳарбий хизматчилар бугунги кунда «Победа» русумли энгил машинани сафга қўшиш ишлари билан астойдил меҳнат қилишмоқда.

**Камолиддин АСРОП**

# Ҳамкорликка чақирамиз!

**Иккинчи жаҳон урушида қозонилган  
Ғалабанинг 75 йиллигига муносиб ҳисса қўшинг**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида»ги 4495-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар, Олмасор туманида «Ғалаба боғи» ҳамда унинг худудида «Шон-шараф» музейи бунёд этилмоқда.

Музейда Иккинчи жаҳон урушида эришилган оламшумул ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган улкан ҳиссаси акс эттирилади ҳамда юртдошларимизнинг жанг майдонларида ва фронт ортидаги матонати, мардлиги, жасорати, фидойилиги, инсонпарварлиги ва болажонлиги кўрсатиб берилди.

## Азиз ватандошлар!

Музей экспозициялар фондиди шакллантириш ва бойитиш учун ишчи гуруҳга амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Сиз Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилган ва фронт ортида машаққатли меҳнат қилган ватанпарвар юртдошларимиз фаолияти ҳақида маълумот берувчи ашёларни музейга топшириш орқали унинг экспонатлари фондиди янада бойитишга ҳамда аждодлар номини абадийлаштиришга муносиб ҳисса қўшган бўласиз.

Музейга топширилган ашёлар мутахас-

сизлар томонидан қабул қилинади ҳамда қаҳрамон ҳақидаги маълумотлар қайд этилиб, йўналиши бўйича экспозицияга жойлаштирилади. Шунингдек, фронт ва фронт ортида фашизм баласига қарши курашган аждодларимиз ҳақидаги тўлиқ маълумотлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида музейнинг ахборотлар базасига жойлаштирилади.

«Ғалаба боғи» ва «Шон-шараф» музейи 2020 йилнинг 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида фойдаланишга топширилади.

**Экспонатлар қабул қилинаётган манзил:** Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 9-даҳа, Рихсий кўчаси 9-уй. Тошкент давлат юридик университетининг ихтисослаштирилган филиали (собик Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети биноси).

**Мўлжал:** Зенит заводи ва Korzinka.uz супермаркети.

Шунингдек, узоқ вилоят ва туманлардаги фуқароларимиз ўз ашёларини жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари орқали ҳам топширишлари мумкин.

**Мурожаат учун телефонлар:** 71-269-87-93; 99-877-44-08; 90-516-86-23.

Ҳамкорлик учун олдиндан миннатдорчилик билдираемиз.

## БИЛАСИЗМИ?

# НАВОЙНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ...

Бутун умрини халқ учун бағишлаган фидойи сиймо ҳазрат Навоий ҳаёти ҳақида сўз кетганда кўпчилик у зотнинг оила қурмагани, фарзандлари бўлмагани хусусида гапиради. Ҳақиқатан, унинг фарзандлари бўлмаган, деб айта оламизми?

Навоийшунос олим Муҳаммаджон Маҳмуднинг «Навоий ҳаёти ва ижодига янги қараш» китобидан бу саволга жавоб топишимиз мумкин. Рисолада келтирилишича, Навоийнинг ҳақиқатан ҳам ўз пушти камаридан бўлган фарзанди бўлмаган. Аммо улуғ давлат арбобининг фарзанд сифатида қабул қилган шогирдлари бўлган.

Ҳожи Муҳаммад Навоий хонадонидан унинг энг суюкли фарзанди ва билимдон шогирди сифатида ғоят қадрланган. Шоир уни бир

кун кўрмаса, жуда соғиниб, бетоқат бўлган. Ифвогарлар кўп бора уларнинг орасига нифоқ солишга уринишган. Ҳожи Муҳаммад бевақт вафот этади. Шоир бундан қаттиқ қайғуради.

Улуғ мутафаккир Ҳожи Муҳаммаддан сўнг бор эътиборини мир Иброҳимга қаратган. «Мажолис ун-нафоис»да мир Иброҳим ҳақида «ўғилчилай (ўғилчадай) асрабмен», дея қисқа маълумот бериб, шогирд ва жиёни Султон Ҳусайн Хатмийнинг ўғли эканлигини билдирган. Навоий унинг маънавий ва жисмоний камолотига алоҳида эътибор берган. Тариқат ва унинг мактабларига қарши бўлган мутаассиблар турли фитналар билан мир Иброҳимни шoirдан совутишга ҳаракат қилишади. У устозининг поклигига ишонса ҳам, қуруқ тухматларга чидай олмай, майга ружу қўяди. Шоир Астробод сафаридан қайтганда ўғлини батамом ичкиликка ружу қўйган ҳолда кўриб, агар яна Астробод томон йўл олсам, йўлда Мозандарон девлари қатл этсин, дея ойт ичади.

**Камола АДҲАМОВА,**  
Ўзбекистон журналистика ва оммавий  
коммуникациялар университети талабаси

## ХАБАРЛАР

**ЭКСПЕРТНАЯ ГРУППА  
НАЧАЛА СВОЮ РАБОТУ**



В Сенате Олий Мажлиса состоялось заседание экспертной группы при Комитете по вопросам обороны и безопасности.

Участниками мероприятия стали члены Комитета, представители министерств и ведомств, а также сотрудники средств массовой информации.

В целях поднятия на качественно новый уровень обсуждений новых законов, подготовки и проведения контрольно – аналитических мероприятий в Сенате Олий Мажлиса внедряется практика по формированию в составе комитетов экспертных групп и работе совместно с их членами в соответствующих направлениях.

Как отмечалось в ходе заседания, на экспертную группу возложен ряд задач. В их число входит оказание научно-методического и экспертно-аналитического содействия при анализе эффективности правовых основ в сфере оборонного строительства и обеспечения безопасности страны, разработка предложений по совершенствованию деятельности в данном направлении.

Одной из главных задач, возложенных на группу, является также подготовка предложений и рекомендаций по совершенствованию правоприменительной практики в сфере оборонного строительства и безопасности, обеспечению исполнения принятых законодательных актов на местах.

**Айжамал МАХСЕТБАЙ қизи**

## «ЙИГИТ СЎЗИ» АЙТИЛДИ



Йигит сўз айтдим, демек, бажариши шарт. Зеро, йигит кишининг зийнати ҳам унинг сўзида собит, ваъдасига вафодорлигида эканлигини катта-ю кичик яхши билади.

Юнусобод тумани Хиёбонтепа маҳалласидан ҳарбий хизматга чақирилган йигитлар ўзларининг «Йигит сўзи»ни айтишди. Ҳарбий хизматга кетиш олдида айтилган сўзлар маҳалла фаолларининг кўнглини хушнуд этди.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган «Йигит сўзи»ни айтиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Жисмоний тайёргарлик синовларидан муваффақиятли ўтган йигитларгина бу имкониятга эга бўладилар.

– Фарзандимиз туғилганидан бошлаб юрт корига камарбаста бўлиб улғайишни ният қиламиз. Мана бугун мен бахтли оналар қаторида ўғлимни ҳарбий хизматга жўнатиш арафасидаман, – дейди Темурбек Раимовнинг онаси Юлдуз Назарова. – Албатта, бу жараёнга етиб келиш осон бўлмади. Йигитлар ҳозирги армиядан ҳар томонлама матонатли бўлиб, ҳарбий билимларни эгаллаб қайтади. Ўғлим оиламизда, маҳалладан ва устозларидан олган тарбиясини оқлаб, фақат раҳмат олиб келишига ишонаман.

Ватанга қасамёд тинглангандан сўнг нуруний отахонлар бўлажак аскарларга дуо бериб, маҳалла шаънини муносиб ҳимоя қилишларига ишонч билдиришди.

**Санам НИШОНОВА**



# Эзгуликка айём бу!

« Қиш ниҳоят чекинди. Баҳор шамоллари ела бошлади. Совуқ фаслдан озорланиб кетган табиат уйғонди. Қаранг, осмон кўзни қамаштиргудек тиник. Уфқ ортидан кўтарилаётган қуёшнинг нурлари баҳорга интиқ кўнгилларга, ундан юртнинг обод кўча-гузарларига, хонадонларига мунавварлик, гўзаллик бахш этяпти. Далалару боғларда ишлар қизиган. Деҳқонлар ерга уруғ қадаш билан овора. Боғбонлар янги боғлар яратиш билан машғул. Кайвони момолар бугдой кўкартириб, эрта баҳордаёқ сумалак қайнатишни бошлаганлар. Улар дошқозон бошида юртга тинчлик, табиатга малолсиз кўклам тиламоқни ният қилишган. Табиат ва инсонлардаги бу жонланиш, бу тараддуд юртга Наврўзи олам кириб келганидан нишонadır.

Наврўз! Бу ёқимли сўзни айтганда юрагимиз инжа туйғуларга ошно бўлади. Кўнгилларимиз таърифни тугатиб бўлмайдиган илоҳий шурдан нурланиб, ёришиб кетади. Негаки, Наврўз – эзгулик, гўзаллик, нафосат ва покизалик тимсоли. Ушбу кунда саховатдан дили ёришмаган, ўзаро меҳр-муҳаббат тафтидан баҳраманд бўлмаган кўнгиллар қолмайди. Шунинг учун Наврўзни яхшилик, саховат, меҳр-муҳаббат айёми ҳам дейишади. Шунинг учун ҳам бу кун шунчаки бир тантана эмас, балки халқимиз тарихи, фалсафаси, маданияти, тушунча ва тасаввурларини ўзида тўлалигича мужассам этган улғу байрам сифатида барчамиз учун қадрли ва суюкли.

Наврўз байрамнинг қачон вужудга келгани ҳақидаги қадимий манбаларда, у Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда Аҳамонийлар даврида (милoddан аввалги VI асрларда) анъана тусига киргани ёзилган. Шу маънода Наврўзнинг тарихини 25–30 асрга эга, деб тахмин қилиш мумкин. Ўша даврдаёқ қуёшнинг ҳамал буржиги кириши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғликнинг кучайиши, табиатнинг жонланиши – Наврўз деб юритилган. Алишер Навоий бир ғазалида Наврўзда кун билан туннинг баробарлашувига шундай ишора қилади:

*Васли аро кўрдум, тенг эмиш бўйиу сочи,  
Тун – кун тенг экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.*

«Бу кун – фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу кун фаришталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу кун қуёш яратилган. Бу кунни шоҳлар ҳам қадрлайдилар, чунки бу кун йилнинг биринчи кундир», деб ёзади буюк бобомиз Абу Райҳон Беруний. Шу боис Шарқ халқлари бу байрамни қаҳратоннинг қаҳридан мардона ўтган ва юзини қуёшга тутган бойчечак янглиф орзиқиб кутганлар. Бирок тарихда Наврўзнинг мазмунини турлича талқин қилиб, баъзилар уни тараққий эттиришга, бошқалар эса уни таққиллашга ҳаракат қилишгани ҳам айни ҳақиқат. Асрлар, йиллар ўтди. Шундай бўлса-да, бу байрам ўзининг асосий моҳиятини сақлаб қолди. У ҳақиқий халқ байрами сифатида меҳнат аҳли орасида эъзозланаверди. Натижада Наврўзнинг янгидан-янги қирралари кашф этилаверди. Байрам одатлари, маросимлари, анъаналари шаклланиб, сайқал топаверди. Масалан, Наврўзни байрам қилиш анъанага қира бошлаган илк даврларда байрам кунини инсонлар бир-бирига ширинликлар ҳада қилиб (хаётингиз ширин бўлсин, деган маънода), бир-бирига сув сепиб (бу йил сув кўп бўлсин, ҳосил яхши бўлсин, деган маънода) яқинларини кутлаш одат бўлган. Асрлар ўтиб, ҳовли-жойларни тозалаш, кўчаларга қўкат ва гуллар экиш, ота-она, ёру дўстларни зиёрат қилиш каби одатлар Наврўз байрамнинг таркибий қисмига айланган. Ўша даврларда ҳам айём кунинида пишириладиган таомлар турли миллий ўйинларга алоҳида урғу берилган ва бу анъана ҳозиргача сақланиб қолган. Хусусан, миллий таомларимиздан сумалак, ҳалим, кўксомса, кўкчучвара бугун ҳам байрам дастурхонимизнинг кўрки. Айниқса, байрам кунлари сумалак тайёрлашнинг гашти ўзгача.

Сумалак – Наврўз байрамнинг шоҳ таоми. У мўъжизакор қудратга эга шифобахш таом. Ҳар гал сумалак ҳақида гап кетар экан, унинг тарихи бўйича халқ орасида оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган ривоят ёдимга тушади. Унда айтилишича, қадимда бир бева аёл ва унинг икки ўғли бўлган экан. Аёл фарзандларини боқиш учун кўшниси – бойниқиди хизматкорлик қиларкан. Бой жуда ҳасис бўлиб, аёлнинг эрталабдан кечгача қилган хизмати эвазига икки ҳовуч ун ёки бир коса ёвгон бераркан. Аёл шунга хурсанд бўлиб, уйига кетаркан. Бир кун аёл оғриб қолибди ва бойниқига чиқолмабди. Болалар кечгача очликка бир амаллаб чидабди. Лекин кун қорая бошлаганда улар очликдан хархаша қилишга тушибди. Тўшақда

# Йул оғлан



иситмалаб ётган аёл болаларининг йигисига чидолмай ўрнидан туриб, ҳовлига чиқибди. Қараса, ҳовлисида бир ҳовуч бугдой унаётган экан.

Қувониб кетган аёл уни тозалабди ва қозонга солибди. Фарзандларини овутиш учун тош ҳам солиб, қайнатишга тушибди. Болалари тошнинг шикирлашига овуниб, овқатнинг пишишини кута-кута ухлаб қолишибди. Улар ухлаши билан аёл ҳам қозоннинг қопқоғини ёпиб, уйкуга кетибди. Эрталаб фарзандлари юғуриб қозоннинг бошига боришибди ва ундаги таомдан тотиб кўришибди.

Кейин ойсининг ёнига бориб:

– Онажон, туринг, овқатингиз пишибди, жуда мазали экан. Ўзи бу қандай овқат? – дебди.

Шоша-пиша қозон бошига борган аёл хайратдан лол бўлиб қолибди ва кўз ёшларини тиёлмай шундай дебди: «Бу – сумалак, фаришталар пиширган овқат». Ўша даврлардан буён баҳор келса, сумалак пишириш анъана тусини олган экан.

Наврўз байрамида жуда кўп миллий ўйинларимиз бўй кўрсатади. Айём «Варрак учириниш», «Кураш», «Кўпқари», «Арқон тортиш», «Чиллак», «Хўроз уриштириш», «Оқ теракми, кўк терак?», «Беш тош», «Тез айтиш», «Ҳалинчак учиниш», «Ким олади-ё, шугинани-ё?» каби қувноқ ўйинлар билан янада гаштли ва унутилмас ўтади. Байрам билан боғлиқ бу каби ўйинлар юртимизнинг барча вилоятларида ўйналади. Муҳими



шундаки, ўйинларнинг ҳеч бири шунчаки эрмак ёки вақт ўтказиш учун ўйлаб топилмаган. Улар ўғил-қизларнинг жисмонан ва руҳан соғлом, чидамли бўлиб ўсишларига ёрдам беради. Демак, халқимизнинг оддий ўйинларида ҳам аждодлар закоси, руҳий ва жисмоний комилликка интилиш нияти мужжасам.

«**Бойчечагим бойланди**». Илк кўклам кунлари қорлар эриб кетган қир-адирларда, тоғларнинг этагида ажиб бир манзарага кўзингиз тушади: узоқ вақт қиш уйқусида мудраб ётган она табиатнинг ғаройиб мўъжизаси – бойчечаклар чиқиб, чор атрофга бамисоли садафдек сочилади. Ана шу пайтда қадим-қадим замонлардан бўён мамлакатимиз худудида «Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» маросими ўтказилган.

«**Қозон тўлди**». Халқимизнинг қадимий анъанасига кўра, Наврўз байрами ҳут ойининг охириг кечаси, яъни 20 мартдан 21 мартга ўтар кечаси оила даврасида ўтказиладиган «Қозон тўлди» удуми билан бошланган. «Қозон тўлди» соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир хонадон аҳли ўз имкониятига яраша тансиқ таомлар (кўпинча, палов), кўксомса, бўғирсоқ тайёрлаганлар. Келаётган йил баракали келсин, рўзгоримиздан қут аримасин, деган эзгу ниятда ҳамма идишлар сувга тўлдириб кўйилган.

«**Етти кўкат**». Илгарилари элнинг обрўли кишиларидан бири – ҳунарманд ва қосиблар оқсоқоли етти хил неъмат солинган патнисни кўтариб юриб, Наврўз байрами шодиёналари бошланганлигини халққа маълум қилган экан. Чўнки улар инсонни боқадиган ва бой-бадавлат қиладиган етти хазина, инсоният қўли билан бунёд этилган архитектура ва санъат дурдоналари етти мўъжиза бўлгани каби, барча ўт-ўланлар, дов-дарахтлар орасида етти хил кўкат алоҳида аҳамиятга эга деб тушунган.

Шарқнинг буюк алломаларидан бири Маҳмуд Қошғарий, «Байрам халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир», деган эди. Ҳа, байрамлар халқнинг осойишта ва фаровон турмушидан дарак беради. Ҳа, Наврўзга етказганига, мана шундай тароватли кунларни кўриш насиб этганига шукр деймиз. Зеро, меҳр ва мурув-ватни баланд тутган, ёмонликлар йўлини кесиб, эзгуликларга йўл очган айём бу!

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА



## ТРАДИЦИИ

# ПРАЗДНИК ОБНОВЛЕНИЯ ПРИРОДЫ

Спросите любого человека в Узбекистане, будь то стар или млад, о самых любимых сердцу праздниках. И, чаще всего вы услышите ответ – «Наврўз». Что же это за праздник? И почему его так любят как коренные жители, так и гости страны?

**Традиции празднования Наврўза** практически не изменились за всю его многовековую историю. К празднику тщательно готовятся заранее: устраивают генеральную уборку в домах, дворах и улицах, обязательно стирают всю имеющуюся одежду, рассчитываются с долгами. Накануне праздника до восхода Солнца необходимо завершить все подготовительные хлопоты: приготовить **праздничных блюд**, уборку жилья и украшение комнат цветущими ветками деревьев.

Говорят, в дни Наврўза на землю спускаются ангелы, которые приносят людям добро и благоденствие, но заходят они лишь в тот дом, где царит мир и согласие. Именно поэ-

тому люди стараются простить друг другу долги, забывают о вражде и обидах. Как гласит народное предание, очень важно, кто будет первым гостем в доме: в первый день Нового года все непременно ждут доброго и честного человека, приносящего добрую весть и удачу.

Сегодня праздник Наврўз – событие государственного значения и одна из главных узбекских национальных традиций, и, как и тысячелетия назад, он полон древнейших самобытных ритуалов и красочных обрядов. Особенно интересны народные гуляния в селах, где устраиваются традиционные состязания как купцари, борьба джигитов, конные турниры, а также народные

ярмарки, где можно купить все – от сувениров до национальной выпечки.

Организовать генеральную уборку в домах, дворах, улицах и в махаллах – это самое благое дело. Жители махалли «Узбек олтин-2» Галляаральского района организовали большой хашар. Проложено трехкилометровая трасса для подачи питьевой воды, и все это люди сделали сами. Они считают, что совместная работа по благоустройству родного города – самый лучший вариант содержания в порядке своего общего дома. Совсем недавно были высажены более 6 тысяч саженцев, очищены арыки.

В махалле живет немало душой болеющих за общее дело людей. О благотворительности здесь говорить не любят. Если возникает необходимость в благоустройстве, ремонте, организации спортивных турниров, детских праздников, свадеб, то

предприниматели вносят свой сильный вклад в общее дело. Они постоянно помогают больным людям и многодетным семьям.

Недавно по инициативе руководителя фермерского хозяйства «Бектош Шамс» Мансур Бекназаров пробурил скважину во дворе школы №22 Галляаральского района. Добрый пример всегда заразителен и имеет своих последователей. Голиб Равшанов, Шерзод Мингбоев, Уткир Абдуллаев и многие другие вносят свой вклад в добрые и благородные дела.

Состоялся «Книжный марафон» и председатель родительского комитета школы Хамза Мавланов, Шухрат Шомамов, Тулкин Кучкаров и другие родители передали в школьную библиотеку 300 экземпляров художественных произведений, общей стоимости 8,5 миллиона сумов.

Абдулла САИДОВ

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

# «СИЗНИ ЭЛ МЕҲРИ АСРАСИН»

Тахририятимизга мактублар кўп келади. Улардан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум ижодкор Тоғай Муроднинг рафиқаси Маъсума Аҳмедовадан келди. Самимият ва меҳр-муҳаббатга йўғрилган бу мактубни сиз, ўқувчиларнинг ҳам эътиборига ҳавола қиламиз.

«Ассалому алайкум, «Ватанпарвар» газетаси жамоаси! Мен илг бор тахририятингизга нома ёзгипман.

Қўлимга қалам тутишимга сабаб эса ҳарбийларнинг менга кўрсатган эҳтироми, меҳр-муруввати, эъзози бўлди. Бу воқеа яқиндагина содир бўлди ва қалбимдан шундай жой олдики, бутун умр унутмайман. Келинг, бир бошдан сўзлаб берай.

Март ойининг илк кунлари эди. Теварак-атроф яшилликка чулғанаётган бир пайтда ёрдамчига эҳтиёж сездим. Негаки, уйимнинг олдида кичкина боғча бор. У ердаги дарахтларнинг тагини юмшатиш, кузда тупроқ остига кўмилган тоқларни сўритокка тараш керак. Тоқлар баҳорнинг илк кунларида очилмаса, кейин кеч бўлишини раҳматли турмуш ўртоғимдан эшитганман. Шунинг учун баҳор келди дегунча таниш ижодкор йигитларни ёрдамга чақираман. Бу гал ҳам

кўнглимда илинж билан кўпчиликка сим қокдим. Афсус... Хўрлигим келди. Қани кучим бўлса, ўзим барининг уд-дасидан чиқсам! Борган сари кунлар илияпти ахир. Ана шундай имконсиз ва иложсиз бир ҳолатимда жонимга ҳарбийлар оро кирди! Биласизми улар ким? Улар – Қуролли Кучлар академияси курсантлари. Эшикдан кулиб кириб келган офицер йигит (кейин исми Холмуҳаммад эканлигини билдим) «Опа, биз сизга ёрдамга келдик», деганида кўз ёшларимни тиёлмадим. Курсант ўғилларим боғдаги ишларни ҳаш-паш дегунча саранжомлади. Ўзим ўргилай, меҳр билан ишлашди: сўрига тоқларни илди, мевали ва манзарали дарахтларни бутуди, дарахт тағларини юмшатди. Боғимга файз кирди. Дўсту ёронла-

рим ўзини ҳар ён олган бир пайтда бўлган бу воқеа мени ҳарбийлар билан қалбан боғлади. Уларга меҳрим тушди, яқинларимдек яхши кўриб қолдим. Ҳа, улар менинг ақинларим, укаларим, ўғилларим! Улар бор экан, мен ҳеч қачон ёлғизликни ҳис қилмайман. Илоҳим, умрини эзгуликка чоғлаган юртим мардлари, жасур ўғлонларининг олтин бошлари омон бўлсин! Уларга қарата шоирнинг тилидан шундай дейман:

Эл-юрт оромини асраган  
зотлар,  
Эл меҳри асрасин Сизни  
хар жойда!»

Маъсума АҲМЕДОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

ЖАРАЁН

# УРУШ ФАХРИЙЛАРИ – ҚАЛБИМИЗДА, ЭЪТИБОРИМИЗДА

Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли ҳарбий қисмлар билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Нукус туманида истиқомат қилаётган Қодирбой ота Нормановнинг ҳолидан хабар олинди. Меҳмонлар отани Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги байрами билан табриклар, унга эсдалик совғалар топширди.

Худди шунингдек, Гулистон ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Сирдарё вилояти бошқармаси ва вилоят қўриқлаш бошқармаси ҳамда Янгиер шаҳри ҳокимлиги, «Нуронийлар» жамоатчилик кенгаши, маданият бўлими ва шаҳар рус маданияти маркази жамоаси билан ҳамкорликда Янгиер шаҳрида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Алексей Семёнов хонадонига ташриф буюрилди. Ташриф давомида уруш фахрийси

А. Семёнов Иккинчи жаҳон урушининг аянчли оқибатлари ва у ерда бошидан кечирган оғир дамлари ҳақида сўзлаб берди. Самимий суҳбатдан сўнг А. Семёновга совғалар топширилди, шунингдек, шифокорлар томонидан соғлиғи текширилиб, керакли тиббий муолажалар қилинди.

Бундан ташқари, Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмлари, Чиноз тумани мудофаа ишлари бўлими, «Нуронийлар» жамоатчилик кенга-



ши ва «Оила» илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонлик кўрсатган Оруш ота Турғунов ва Йўлдош ота Норматовнинг хонадонларига ташриф буюрилди. Улар билан марокли ва қизгин суҳбатлар ўтказилди. Уруш фахрийларига Ғалабанинг

75 йиллиги байрами муносабати билан эсдалик совғалар берилди.

Бу каби тадбирлар мамлакатимиз бўйлаб қизгин давом этмоқда.

**Адлия подполковниги Бобир САҲАДДИНОВ, Республика ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

## «Китоблар дунёси» маркази очилди

Жиззах ҳарбий ва вилоят прокуратураси ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида Фориш туманидаги Хонбанди шаҳарчасида жойлашган маданият марказида ўқувчи ёшлар иштирокида «Прокурор ва ёшлар учрашуви» ташкил этилди.

Тадбир Жиззах гарнизони маънавият ва маърифат маркази ҳарбий оркестри жамоасининг куй-қўшиқлари билан бошланди. Шаҳарчада ёшлар учун «Китоблар дунёси» марказининг тантанали очилиши маросими ҳам бўлиб ўтди.

Унда ҳарбий хизматчиларнинг Ватанга садоқат ва ватанпарварлик руҳидаги саҳна чиқишлари намойиш этилди. Тадбир очик мулоқот тарзида олиб борилиб, ўқувчи ёшлар томонидан кўтарилган муаммоли масалалар жойида ҳал қилинди.

Учрашувнинг иккинчи қисмида ўқувчи ёшлар ўртасида шаҳарчада шашка, шахмат ва кураш бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди. Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Шунингдек, Хонбанди шаҳарчасида истиқомат қилаётган 1996 йилда туғилган имконияти чекланган Мухриддин Устенировнинг хонадонига ташриф буюрилиб, амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида у ва унинг иш билан банд бўлмаган турмуш ўртоғи Меҳринисо Шодмонова Жиззах ҳарбий прокурори томонидан оталиққа олинди.

**Адлия майори Дилшод РАЗИКОВ, Жиззах ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси**

## Маҳалладаги энг намунали оила



Чирчиқ шаҳрида «Ҳарбий хизматчи оиласи – маҳалладаги энг намунали оила» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий маркази, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ҳамда Тошкент ҳарбий округи қўмондонлиги масъул офицерлари қатнашди.

Ҳарбийлар оилаларидаги маънавий муҳитни янада мустаҳкамлаш, ёшларни оилага тайёрлаш ва муаммоли масалаларни бартараф этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда малакали мутахассис ва психологларнинг мавзуга оид маъру-

залари тингланди.

– Ҳарбийлар – тинчлигимиз ҳимоячилари. Уларнинг оила аъзолари ҳам маҳаллада намунали оила бўлиб, юртдошларимизга ўрнак бўлиши зарур. Тадбирда бу борада керакли ва қимматли тавсия ҳамда йўл-йўриқлар берилди, – дейди капитан Азизбек Мўминов.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олди.

**Шоҳсанам НИШОНОВА, Адлия катта лейтенанти Абдулатиф ИСАРОВ, Чирчиқ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси**

## Қуролли Кучлар академиясида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий прокуратураси, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши ҳамкорлигидан ўтказилган мазкур тадбирдан кўзланган мақсад, келажакимиз эгаларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ҳарбий касбга бўлган қизиқишларини янада оширишдан иборат.

Очик мулоқот давомида эртамиз эгалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Академия стадионида бўлиб ўтган ҳарбий оркестрнинг мусикий дастури, курсантлардан ташкил топган фахрий қоровул взводининг қўл жанги бўйича кўргазмалар чиқишлари ёшларимизда унутилмас таассурот қолдирди. Шу куни ўқувчилар таълим муассасасида курсантларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, Қуролли Кучлар академияси тарих музейига экскурсия уюштиришди.

**Нозима МАМАТОВА**



## БОКС

## МИРАЗИЗБЕК ЭЛ АРДОҒИДА

Бокс бўйича Иорданияда ўтказилган Осиё/Океания минтақаси вакиллари учун XXXII ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берилувчи мусобақадан ғолиб бўлиб қайтган MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) аъзоси Миразизбек Мирзахалилов ўзи туғилиб ўсган маскан – Фарғонада тантана билан кутиб олинди.

Туғилган юрти, Ватани ва халқини суйиб-эъзозлаган инсон доим эл ардоғида. Бунга биз спортчилар ҳаётини фаолияти мисолида кўп бор гувоҳ бўлганмиз ва айни кунда MVSK чарм кўлқоп устаси Миразизбек Мирзахалилов тимсолида яна бир бор шохид бўлиб турибмиз.

Иорданиядаги мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, спортсевар халқимизни хурсанд этган боксчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида тантанали равишда кутиб олинганди. Миразизбек ўзи туғилиб ўсган маскан – Фарғонага борганида бу тантаналар давом этди. Миразихалиловни вилоят ҳокими кутиб олди ва фарғоналиклар номидан «Токио – 2020» ёзги Олимпиадаси йўлланмаси ҳамда мусобақанинг олтин медалини қўлга киритиб қайтган боксчи «Nexia-3» автомобилли топширди. MVSK аъзоси 2019 йили Рос-

сиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатидан ғолиб бўлиб қайтганида ҳам вилоятда шундай тантана рўй берган, элу юрт спортчимизни сидқидилдан олқишлаганди.



Фарғонанинг Кува тумани Қайрағоч қишлоғида туғилиб ўсган Миразизбек болалигидан спортга меҳр қўйиб, астойдил тарбияланди ва доим мураббийлар ишончини оқлашга ҳаракат қилди. Бу ўз натижасини берди. 2016 йил Ўзбекистон чемпионатида кумуш, Россиянинг Хантси-Мансийск шаҳридаги жаҳон кубоғида бронза медални қўлга киритди. 2017-2018 йилларда Қозоғистон, Россия ва Украинада ўтказилган халқаро турнирларда, Индонезияда бўлиб ўтган XVIII ёзги Осиё ўйинларида ғолиб чиқди. 2019 йил Болгариядаги халқаро турнирда, Таиланддаги Осиё чемпионатида зафар қозонди ва шу йил жаҳон чемпиони бўлди. Энди навбат Олимпиада чемпионлигига, бу йўлда унга омад ёр бўлишини тилаймиз!

Шоҳид бўлиб турганингиздек, Миразизбек нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон байроғини юксалтириб, Ватан шарафини улуғлагани учун элу юрт ардоғига эришди. Президентимизнинг 2019 йил 27 сентябрдаги фармонида мувофиқ, Миразизбек Мирзахалилов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирланган.

## ДЗЮДО

## КЕЛАЖАКДАГИ УМИДЛАРИМИЗ

Сирдарёнинг Гулистон шаҳрида 2003-2004 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда MVSK (Mudofaa vazirligi sport klubi) тарбияланувчилари ҳам қатнашди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг 650 нафардан ортиқ ёш дзюдочилари иштирок этган мамлакат биринчилиги уч кун давом этди. Ўзбекистон чемпионатини миллий терма жамоа консультанти япониялик мутахассис Томо Тори ҳам кузатиб борди. Мақсад қизлар ва болалар ўртасида 9 тадан вазн тоифасида ташкил этилган мусобақа ғолибларидан Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини шакллантириш эди.

Анъанага биноан биринчи кунги беллашувлар энгил вазн тоифасидагилар ўртасида кечди. Қизлар ўртасидаги баҳсларда сурхондарёлик Нигора Тойлоқова (-36 кг), андижонлик Машхураҳон Азимова (-40 кг), сирдарёлик Улбўсин Ҳақимова ва хоразмлик Сўғдиёна Рафқатова (-48 кг) барча рақибларини мағлуб этиб, ўз вазн тоифасида ғолибликни нишонлади. Айниқса, 40 килограммгача вазн тоифасидагилар ўртасидаги беллашувлар қизиқарли кечди, яъни Қашқадарё вилоятининг бир йўла уч нафар вакили – Сабина Файзуллаева, Фарангиз Баракаева ва Камола Шодиева андижонлик дзюдочига рақобат кўрсатиб, якунда чемпионатнинг кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди.

Ўсмирлар ўртасидаги биринчи кунги беллашувлар ҳам мухлислар ва мутахассислар диққатини ўзига тортиди. Энг энгил вазн (-46 кг) тоифасидаги баҳслар худди юқорида қайд этилгани каби асосан



бир жой, яъни пойтахтлик ўсмир полвонлар ўртасида борди. Финалда ҳам зафар қозонган Шукур Давлатов олтин, ҳал қилувчи баҳсда имкониятни бой берган Бехруз Мирахматов кумуш медални қўлга киритди. Ушбу вазн тоифасида ярим финалгача муваффақиятли беллашган Алпомиш Мирзаев (Тошкент ш.) ва Илёсбек Шерматов (Хоразм) бронза медалга сазовор бўлди. Шу кунги ўтказилган бошқа вазн тоифаси бўйича баҳсларда Жонибек Мамашукуров (Тошкент вил.), Маъруф Аҳмедов (Самарқанд) ва Абдулла Мухаммадиев (Тошкент ш.) зафар қозонди.

Келажакда дзюдо спорт туримизнинг ёрқин юлдузлари бўлиши кутилаётган ўсмирлар ўртасидаги мамлакат чемпионатининг кейинги икки кунги беллашувлари ҳам қизиқарли кечди. Деярли барча вилоят вакиллари, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва MVSK аъзолари ҳам совриндорлар сафидан жой олди. Ўғил болалар ўртасидаги беллашувларда Диёрбек Жўраев (-66 кг), Самандар Тошбоев (-73 кг), Мелс Содиқов (-81 кг), Фирдавс Давлатов (-90 кг), Абдулла Тўхтамишов (+90 кг), қизлар ўртасидаги баҳсларда Озода Темирова (-52 кг), Дилдора Адхамова (-57 кг), Фарангиз Режепова (-63 кг), Равзахон Адашева (-70 кг) ва Шинар Ибраева (+70 кг) ғолибликни нишонлади.

Саҳифани Расул ЖУМАЕВ тайёрлади.

## ШОҲСУПА

(хабарлар)



**ДЗЮДО.** Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) коронавирус сабаб март ва апрель ойларида ўтказиладиган барча лицензия турнирларни бекор қилди. IJFнинг мазкур қарори 30 апрелгача ўз кучида қолади. Бундан дзюдочилар катта зарар кўрди, хусусан Гран-при турнири ғолиблари 700, «Катта Дубулға» чемпионлари эса 1 000 рейтинг очкосига эга бўларди. Режага мувофиқ, 30 апрелга қадар Екатеринбургда «Катта Дубулға» турнири, Грузия ва Анталияда Гран-при туркумидаги мусобақалар ўтказилиши керак эди. Ўз навбатида, барча қитъа биринчиликлари, хусусан апрель ойида Мўғулистонда ўтказилиши керак бўлган Осиё чемпионати ҳам бекор қилинди.



**ФУТБОЛ.** БАА чемпионатининг 19-турида ҳамюртимиз Отабек Шукуров ҳаракат қилаётган «Шаржа» клуби меҳмонда «Ал Фужайра»га қарши майдонга тушди. Учрашувда «Шаржа» 3:0 ҳисобида зафар қучди. Учинчи голни 90-дақиқада Шукуров урди ва бу ҳамюртимизнинг чемпионатдаги учинчи голи бўлди.

ПФЛ расмий сайти маълум қилишига кўра, 2019 йилги мавсумда ташкил этилган Ўзбекистон Лига Кубоги мусобақасида жорий йилдан Қирғизистон ва Тожикистоннинг 4 тадан етакчи клублари қатнашади. Булар: «Дордой» (Бишкек), «Алай» (Ўш), «Абдиш-ата» (Кант), «Каганат» (Ўш), «Хўжанд» (Хўжанд), «Регар-ТадАЗ» (Турсунзода), «Кўктош» (Рудаки) ва «Истаравшан» (Истаравшан) жамоалари.

## ПРОФЕССИОНАЛ БОКС.

Халқаро бокс федерацияси (IBF) янги рейтингини эълон қилди. Ундан юртимиз уч нафар боксчиси ўрин олган. Бутунжаҳон бокс уюшмаси (WBA) рейтингига ҳам пешқадамлик қилаётган ҳамюртимиз Муроджон Ахмадалиев IBF рейтингига ўз вазн (-55,3 кг) тоифасида чемпион сифатида қайд этилган. Профессионал боксчимиз Шоҳжаҳон Эргашев (-63,5 кг) 6-ўринда сақланиб қолган. Ҳамюртимиз Қудратилло Абдуқаҳҳоров (-66,6 кг) эса аввалги ойдаги каби чемпионлик камари учун асосий даъвогар сифатида 1-поғонадан жой олган.

Профессионал боксдаги фаолиятини шу йил февраль ойида бошлаган ва илк жангида ЖАР боксчиси Рипфумело Чиквамбани мағлуб этган ҳамюртимиз Шукуржон Раҳимов 21 март куни иккинчи марта рингга кўтарилади. Владикавказ шаҳрида ташкил этиладиган бокс оқшомида Раҳимовга колумбиялик Ануар Салас рақиблик қилади. Салас шу кунгача 28 маротаба жанг қилиб, уларнинг 20 тасида (12 тасида нокаут билан) ғалаба қозонган, 7 марта (3 та нокаут) мағлуб бўлиб, бир маротаба дурангга эришган.

**ТЕННИС.** Норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган Федерация кубогининг «плей-офф» учрашувини меҳмонда АҚШ теннисчиларига қарши ўтказиб, ютқазган Ўзбекистон терма жамоаси рейтингига икки поғонага пастлаб, 25-ўриндан жой олди. Биздан кейинги ўринларни Бразилия, Жанубий Корея, Португалия, Босния ва Герцеговина, Исроил, Словакия каби давлат терма жамоалари банд этган. Рейтингда Франция терма жамоаси пешқадамлик қилляпти, кучли учликдан Хорватия ва Испания жой олган.





## МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ёшларимиз қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, шакллантириш ва мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Таъкидлаш ўринлики, бу муҳим вазифага Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Навоий вилояти кенгаши тасарруфидаги Навбахор тумани ўқув-спорт техника клуби жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

## МУҲИМ ВАЗИФАГА МУНОСИБ ХИССА



Хусусан, бугунги кунда ЎСТҚда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, турли спорт тўғараклари ишини йўлга қўйиш, спорт мусобақаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, клуб моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хўжалик ҳисобидан топилган маблағларни спорт инвентарлари ва жиҳозларини харид қилишга қаратиш учун кенг имкониятлар яратиш шулар жумласидандир.

– Туман терма жамоасини шакллантириш ҳамда уларнинг вилоят ва республика мусобақаларида иштироки сифатини ошириш юзасидан салмоқли ишлар қилинди, – дейди ЎСТҚ бошлиғи Анвар Каланов. – Айни пайтда ЎСТҚ қошида ҳаво милтиғидан ўқотиш ҳамда авиамодель каби спорт секцияларида машғулотлар олиб борилмоқда. Клуб аъзоларининг нуфузли мусобақаларда муносиб иштироки таъминланмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоят мусобақасида иштирок этган авиамодельчиларимиздан Севинч Сувонқулова ҳамда Фарангиз Юлдашева вилоятда биринчиликни қўлга киритиб, Наманганда ўтказилган мамлакат босқичида ҳам биринчи ўринни эгаллаб, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Шу кунларда олти нафар ўсмир спорт тўғаракларига

жалб қилинган. Улар билан доимий равишда тажрибали спорт мураббийлари машғул олиб боради. Бу эса ўз навбатида спортчи ёшларнинг мунтазам шуғулланишлари учун қулай имконият яратмоқда. Бир сўз билан айтганда, Навбахорда спортнинг техник ва амалий турларининг эртанги кундан кўнгил тўқ. Қувонарлиси, юртимизда ушбу соҳа равнақиға эътибор ва рағбатнинг кучайтирилганидир.

Бундан ташқари, ташкилот фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири малакали ҳайдовчи мутахассислар тайёрлашдир. Ўтган йили мингдан зиёд «В», «ВС», «D», «E» тоифали ҳайдовчилар тайёрланган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 175 нафар оммавий касб ходими тайёрланди. Бунинг учун ташкилотимиз етарли ўқув-моддий базага эга: барча керакли техник қурилмалар ҳамда транспорт воситалари билан таъминланган. Эътиборлиси, тингловчиларимиз вилоят ИИБ ЙҲХБ РЎ ва ИО бўлими имтиҳонларидан биринчи уринишдаёқ муваффақиятли ўтишмоқда. Бу эса ўз навбатида Навбахорда ишлар талаб даражасида тўғри ташкил этилганидан далолатдир.

**Ақбар АЛЛАМУРОДОВ**



Ташкилот Навбахор туманида истиқомат қиляётган барча ёшларни «В», «ВС», «D» ҳамда «E» тоифали ҳайдовчилик курсларига ўқишга ҳамда спортнинг техник ва амалий турларидан ҳаво милтиғидан ўқотиш ва авиамодель секцияларида шуғулланишга таклиф этади.

Манзилимиз: Бешрабат қўрғони, Бобур шоҳкўчаси.  
Мурожаат учун телефонлар: 0 436 56-212-84;  
90-730-02-08.



# Bolajon

## ASSALOM, BAHORIM! ASSALOM, NAVRO'Z!

Bahor kelishi bilan keksa-yu yosh qalbiga birdek quvonch inadi. Borliq uyg'onib, tevarak-atrofning ko'm-ko'k libosga burkanishi dillarga o'zgacha shukuh, ko'ngillarga bir olam sevinch baxsh etadi. Navro'z bayrami biz uchun hayot abadiyligi, tabiatning ustuvor qudrati va cheksiz saxovatining, ko'p ming yillik qiyofamiz, olijanob urf-odatlarimizning betakror ifodasidir. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov tashabbusi bilan hali sho'ro saltanati hukm surib turgan 1990-yilda Navro'zni milliy qadriyatlarimizning noyob namunasi sifatida keng nishonlash uchun barcha sharoit yaratildi va 21-mart – umumxalq bayrami, deb e'lon qilindi.

Navro'z fors tilidan «Yangi kun» deb tarjima qilinadi. Tarixiy manbalarga ko'ra, ushbu bayram VII asrlardan ma'lum. O'shanda Ahamoniylar davrida Navro'z hayot yangilanishi ramzi sifatida nishonlangan. Bu haqda Umar Hayyomning «Navro'znoma» asarida hikoya qilingan. Navro'z bayramini oila bilan birgalikda nishonlash odat bo'lgan. Bayram kuni odamlar yam-yashil dalalarda yoki tepaliklarda to'planib, xalq sayillari uyushtirishgan. Bahoriy kuy va qo'shiqlar, laparlar aytilib, xursandchilik qilingan.



### «Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!»

Tunga kundan joy talashtirib,  
Qaldirg'ochga yo'l qarashhtirib,  
Bahorimni bir yarashhtirib,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Yig'ishtirib qorli to'shaklar,  
Qir-adirga yoyib chechaklar,  
Ushaltirib ezgu tilaklar,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Oq bulutlar yoyib osmonga,  
Sumalaklar solib qozonga,  
Rizq tarqatib butun jahonga,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Zamin bag'rin nurga iydirib,  
Maysalardan atlas kiydirib,  
Yomg'irlardan suvga to'ydirib,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Jon bag'ishlab yerdagi donga,  
Maysalarni tortib osmonga,  
Uyg'on, deya tanti dehqonga,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Chumoliga tashvishni boshlab,  
Bolariga qanot bag'ishlab,  
Shijoatga jonni olqishlab,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Chiroy berib qalamqoshlarga,  
Zavq ulashib yigit boshlarga,  
Muhabbatdan kuylab yoshlarga,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Har qadamda sayillar boshlab,  
El-u yurtning ko'ngilini xushlab,  
Bahorini qo'lidan ushlab,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

Ayo do'stlar, keling, biz bilan,  
Quchoq oching non-u tuz bilan,  
Qarshilaylik ochiq yuz bilan,  
Qarang, qarang, Navro'z kelmoqda!

«Bolalar uchun she'rilar toplami»  
kitobidan olindi.



## MILLIY O'YINLAR

Ko'kda varrak uchirayotgan bolalarni ko'rib, havas qilasan, kishi. Ularning yuzidagi quvonchga sherik bo'lg'ing keladi. Ha, bu ham bahor kelganidan darak. Navro'z bayramida ham juda ko'pgina milliy o'yinlarimiz bo'y ko'rsatadi. Bu shodiyona quvnoq milliy o'yinlar bilan yanada gashqli va unutilmas o'tadi. Muhimi shundaki, bu o'yinlarning hech biri shunchaki ermak yoki vaqt o'tkazish uchun o'ylab topilmagan. Ular o'g'il-qizlarning jismonan va ruhan sog'lom, chidamli bo'lib o'sishlariga yordam beradi. Demak, xalqimizning oddiy o'yinlarida ham ajdodlar zakosi, ruhiy va jismoniy komillikka intilish niyati mujassam. Bolalar va o'smirlar guruhlarga bo'lingan holda ovchilik o'yinlaridan «Oshiq-moshiq», «Xappak tosh», hunarmandlik o'yinlaridan «Lanka», «Ko'z bog'lar», dehqonchilik o'yinlaridan «Qo'riqchi», taqlidiy o'yinlardan «Kim oladi-yo shuginani-yo», «Xo'roz urishtirish», harakatli o'yinlar turkumiga kiruvchi «Halinchak», so'z-harakat o'yinlaridan «Oq terakmi, ko'k terak?», «Arqon tortish», «Kurash» va u bilan bog'liq o'yinlar sirasiga kiruvchi «Milliy kurash», «Yelkada kurash», «Bel olish kurashi», chavandozlik o'yinlaridan «Piyoda poyga», «Eshak mindi» kabi asrlar elagidan o'tib kelayotgan milliy o'yinlarni mahorat bilan o'ynaganlar.

## Ranglar jilos



## O'YLA, IYLA, TOP!



Sahifani M. MAHKAMOVA tayyorladi.

